ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДА КИЧИК КИНОТЕАТР ТАШКИЛ ЭТИШ

Тошкент – 2024 й

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

- ушбу йўналишга бозор талабининг юқорилиги;
- рақобат бозорининг кичиклиги;
- юқори даромадлилиги билан ажралиб туради.

Бизнеснинг қуйидаги хатарлари мавжуд:

- форс-мажор ҳолатлари (турли хилдаги бахтсиз, техноген фалокатлар ва бошқалар);
- об-ҳаво ёмонлашуви орқали талабнинг камайиши;
- рақобат кучайганлиги сабабли хизмат кўрсатиш хажмининг пасайиши.

Хавфли вазиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш:

- ҳар қандай сабабга кўра форс-мажор ҳолатлари юзага келганда, ускунани нархининг тахминан 30% йўқотиш билан сотиш мумкин;
- фаолият жойини онсонгина кўчириш имкониятининг мавжудлиги;
- асбоб ускунани турли кўнгилсиз ҳолатлардан сақлаш учун уни Миллий гвардия қўриқлаш хизматига улаш, камера кузатуви мавжуд бўлган масканларга ўрнатиш зарур;
- рақобат кучайган вақтда чегирмалар бериш, доимий мижоз лойиҳасини ишга тушириш ва соҳани кенгайтириш керак.

Ушбу хизмат турини ташкил этиш учун катта бинони қуриш ёки уни ижарага олиш шарт эмас. Бу эса ўз-ўзидан ташкил этиш харажатларини камайтириш имконини беради.

Очиқ хаво остида кичик кинотеатр ташкил этиш бизнесини бошлаш ва ташкил этишда тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Хизмат кўрсатиш жойларини e-auksion.uz сайти аҳоли гавжум, хушманзара жойларни ижарага олиш;
2. Харажатлар ва даромадлар режасини ўзингиз учун тахминий қилиб тузиб олиш;
3. Ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларни ҳаммасини хал қилиш;
4. Ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ва ҳужжатларни тайёрлаш;
5. Ускуналарни сотиб олиш учун ишончли таъминотчи топиш;
6. Реклама қилиш учун маркетинг тизимини ишлаб чиқиш.

Лойиҳани амалга оширишдан мақсад шаҳар ва олис туманларда маданий хизмат кўрсатиш, яъни ўз гуруҳи билан очиқ осмон остида кичик кинотеатр ташкил этиш билан шаҳар ва вилоят ахолисининг ушбу хизматларга бўлган эхтиёжларини янада қондиришдан иборат.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу хизмат турини кўрсатиш жойини муқим белгилаш талаб этилмайди. Сабаби талаб қаерда бўлса хизмат кўрсатиш жойини ўша ерга кўчириш имкони бор.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Ушбу хизматни ҳужжатлар ва қонунлар билан танишишингиз керак. Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази” томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Хизмат кўрсатиш ўртача нархи қуйидагича белгиланади:

сўм

Хизмат тури	Нархи
1 нафар мижоз учун белгиланган ўртача нарх	60 000

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТИНИНГ ЙИЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

Бу фаолият мавсумий характерга эга бўлганлиги сабабли, асосан йилнинг иссиқ кунларида бу хизматдан фойдаланувчилар сони кўп бўлади.

сўм

Хизмат кўрсатиш номи	**Ўл. бир.**	**1 кунда (икки махал сеанс)**	**1 ойда**	**6 ойда кўрсатиладиган хизмат миқдори**
Кино	нафар	40	1 200	7 200

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

сўм

	Харажат номи	**1 ойлик**	**6 ойлик**
1	Ижара	5 000 000	30 000 000
2	Электр энергия *(1Кв-700 сўм)*	1 300 000	7 800 000
3	Транспорт харажатлари	5 000 000	30 000 000
4	Кино файллар сотиб олиш	500 000	3 000 000
	ЖАМИ:	**11 800 000**	**70 800 000**

Штат жадвали

сўм

№	**Лавозими**	**Сони**	**Битта штат ойлик маоши**	**Жами 1-йил ойлик маош**
1	Умумий назоратчи	1	4 500 000	54 000 000
2	Кинотеатр ходимлари	2	2 500 000	30 000 000
	ЖАМИ	**3**	**7 000 000**	**84 000 000**

Марказнинг 1-йиллик хизмат кўрсатишдан тушган тушуми

сўм

№	**Ҳар бири бир йилда кўрсатадиган миқдори**	**Хизмат нархи**	**Жами суммаси**
1	7 200	60 000	432 000 000

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

сўм

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
	Ўз маблағи	**Кредит маблағи**	**Жами**
Кинотеатр мосламалар хариди	100 000 000	0	100 000 000
Керакли жиҳозлар	20 000 000	0	20 000 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**120 000 000**	**0**	**120 000 000**

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўм

Номланиши	**6 ойда**
Очиқ осмонда кинотеатр фаолияти	432 000 000
Маош ҳаражатлари	84 000 000
Реклама ҳаражатлари	15 000 000
Кўзда тутилмаган бошқа ҳаражатлар	15 000 000
Ижараси учун	30 000 000
Электр энергия	7 800 000
Транспорт харажатлари	30 000 000
Кино файллар сотиб олиш	3 000 000
Солиққа қадар тушган даромад	247 200 000
Фойда солиғи 12%	29 664 000
Сой фойда	**217 536 000**